

Биринчи инстанция судида  
маърузачи судья  
М.Эшимбетов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2021 йил июнъ ойининг 2 куни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати:

раислик килувчи Д.Бобоноров,

ҳайъат аъзолари М.Абабакиров ва М.Эшимбетовдан иборат таркибда, Ж.Хакимовнинг котиблигида, “TOG’LAR” МЧЖ вакили З.Умаров, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси вакиллари Н.Косимов, Д.Исройлонов, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги идоравий норматив-хукуқий хужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси бош маслаҳатчиси А.Бердаков иштирокида аризачи “TOG’LAR” МЧЖнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2019 йил 26 декабрдаги 01-02/15-71-сонли қарорини (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 февралда 3220-сон билан рўйхатга олинган) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича қўзғатилган маъмурий иш хужжатларини Олий суд биносида очиқ суд мажлисида текшириб чиқиб, қуйидагиларни

аниқлади:

- Аризачи “TOG’LAR” МЧЖ жавобгарлар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига нисбатан маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2019 йил 26 декабрдаги “Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга кўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 01-02/15-71-сонли қарорини (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 февралда 3220-сон билан рўйхатга олинган) ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси вакили Н.Косимов томонидан ариза юзасидан билдирилган ёзма фикрда аризани қаноатлантиришни рад этиш сўралган.

Суд мажлисида “TOG’LAR” МЧЖ вакили З.Умаров аризани қувватлаб, Давлат божхона кўмитасининг “Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга кўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2019 йил 26 декабрдаги 01-02/15-71-сонли қарори “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунига мувофиқ эмаслигини билдириб, уни ҳақиқий эмас деб топишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси вакиллари Н.Косимов, Ж.Исомуродов ариза юзасидан ўз эътиrozларини билдириб, аризачи низолашётган қарор қонун хужжатларига мослигини, Божхона кодексига мувофиқлигини билдириб, аризани қаноатлантиришни рад этишини сўради.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги идоравий норматив-хукуқий хужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси бош маслаҳатчиси А.Бердаков низодаги қарорни “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни билан боғлаш керак эмаслигини, қарор қонун хужжатларига мувофиқлигини баён этиб, аризани қаноатлантиришни рад этишини сўради.

Судлов ҳайъати ишда иштирок этувчи шахслар вакилларининг тушунтиришини тинглаб, ариза ва ёзма фикрда келтирилган важларни мухокама қилиб, ишдаги хужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра, аризани қаноатлантиришни рад этишини лозим топади.

Божхона кодексининг 255-моддасига кўра, божхона назорати мақсадлари учун зарур бўлган маълумотлар кўрсатилган хужжат божхона декларациясидир. Божхона декларациясида кўрсатилиши керак бўлган маълумотларнинг рўйхати божхона тўловларини ҳисоблаб чиқариш ва ундириш, божхона статистикасини шакллантириш ва божхона тўғрисидаги қонун хужжатларини қўллаш мақсади учун зарур маълумотлар билангина чекланади.

Ушбу Кодекснинг 258-моддаси мазмунига кўра, божхона тўловлари турларига, божхона божи, кўшилган қиймат солиги, акциз солиги, божхона ийимлари киради.

Солиқ кодекси 28-моддасининг биринчи қисмига кўра, божхона органлари товарларни ва автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиш чоғида божхона тўғрисидаги қонун хужжатларига, ушбу Кодексга ва бошқа қонун хужжатларига мувофиқ солиқлар ва ийимларни ундириш бўйича хукуқлардан фойдаланади ҳамда вазифаларни бажаради.

Демак, Божхона кодексининг 255, 258-моддаларига ҳамда Солиқ кодексининг 28-моддасига кўра, божхона декларацияси божхона тўловларини ҳисоблаб чиқариш ва ундириш мақсадида тузилади ҳамдабу тўловлар ўз навбатида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуни 3-моддасининг иккинчи қисмига кўра, ушбу Қонун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш, ... билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият соҳасида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Шунга кўра, аризачининг Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2019 йил 26 декабрдаги “Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга кўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 01-02/15-71-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 февралда 3220-сон билан рўйхатга олинган) Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунига зидлиги сабабли уни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги важлари асоссиз.

Аризачи ҳақиқий эмас деб топишни сўраётган қарор Божхона кодекси 266-моддасининг учинчи қисми талаблари асосида ишлаб чиқилган бўллиб, унга кўра, божхона юк декларацияларига ўзгартиришлар, кўшимчалар киритиш, уларни қайтариб олиш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш

тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан ушбу моддага мувофиқ белгиланади.

Қолаверса, аризачи Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 26 декабрдаги “Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор килиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 01-02/15-71-сонли карорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган бўлса-да, бироқ ушбу қарорнинг амал қилиши унга татбиқ этилганлигини, ушбу қарор унинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган хукуклари ва қонуний манфаатларини бузганлигини далиллар билан исботлаб бермаган.

Иш хужжатларида аризачига алоқадор бўлган ва божхона органлари томонидан ушбу қарор асосида қабул қилинган божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор килиш ҳақидаги далиллар мавжуд эмас. Мазкур далиллар аризачи томонидан суд мажисида ҳам тақдим этилмаган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 179-моддасига кўра, ўзига нисбатан идоравий норматив-хукуқий хужжатнинг амал қилиши татбиқ этиладиган фуқаро ёки юридик шахс мазкур хужжат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган унинг хукуклари ва қонуний манфаатларини бузган деб хисобласа, ушбу идоравий норматив-хукуқий хужжатни тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат килишга ҳақли.

Баён этилганларга кўра, судлов ҳайъати аризани қаноатлантиришни рад этишни, ариза учун тўлланган 2 230 000 сўм давлат божи, 17 840 сўм почта харажатларини “TOG’LAR” МЧЖ зиммасида колдиришни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 115, 154, 158, 182-моддаларга амал қилиб, судлов ҳайъати

#### қарор қиласи:

“TOG’LAR” МЧЖнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 26 декабрдаги 01-02/15-71-сонли карорини (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 февралда 3220-сон билан рўйхатга олинган) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги аризасини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан эътиборан қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти (протести) бир ой ичida берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

/имзо/

ҳайъат аъзолари

/имзо/

Д.Бобоноров

М.Абабакиров

/имзо/

М.Эшимбетов

“Қарор нусхаси аслига тўғри”

Олий суд судьяси

М.Эшимбетов

